

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРУФ ЮЛДУЗЛАРИ

Ўзбекистон осмонида ёруф юлдузлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзи бир осмон. Ҳар бири қўшининг бир парчаси. Ватанимизнинг мунаввар қаҳҳашида Самарқанд туркумидаги юлдузлар, Шайхисаб туркумидаги юлдузлар, Шеробод, Дево, Термиз, Марғилон, Қўқон, Тошкент туркумидаги ёруғликда бир-биридан ўзаман дейдиган юлдузлар... Улар инсон кўли билангина яратилганига ақл бовар қилмайди. Уларнинг тупроғи, кирпичи, бўғида юлдузлар нуригина қоршиқ эканига ишонгиниз келмайди. Баъзан илоҳий жамол хусусида айтилади. Эҳтимол, улуг марҳамат ила дейрмииз ос-

монигагина сочилган шу юлдузлар истарисига шундай жамол ёнлагани, ёғилиб тургани ва ёғилиб тураверажалғи учун ҳам улар қалблар кўзларини қўйдурғудек ис-сиқ нуридир? Эҳтимол, шу боис бу мукамил, бу бемисл, бу илоҳий ижод сир-асорини, сир си-ноати мохиятини англашга бизнинг кўсурили ақлимиз ноқислик қилар?

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Левоин назорат инспекциясининг йиғилишида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида иқтисодий таъминнинг ани шу муҳим тармоғида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий йўналишларини баён этиб берди.

«Орол ҳалокати — XX асрнинг сайёравий фожиаси» широи остида Орол деңизи ҳаваси муаммалари бўйича халқро учрашу бошланди. Унда Оролни қутқариш ҳамқаро жамғармаси раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпу-си, халқро ташкилотлар ваколатхоналари, шунингдек, Европа Иттифоқи, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкиоти, Халқро метеорология ташкиоти, қўлаб халқро банклар, муассасалар ҳамда АКШ, Буюк Британия, Швейцария, Япония, Швеция, Миср, Франция, Германия, Австралия, Канада, Италия сингари хорижий мамлакатлар вақиллари иштирок этмоқда.


ВАТАН ХАРИТАСИ



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси 1997 йил 16 октябрь, пайшанба № 121 (22.205) Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА — ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ



СУРАТЛАРДА: Ислоом Каримовнинг «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамиятига ташрифи пайти. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси йиғилишида таъкидланганидек, пахтачиликни тараққий эттириш мамлакатимиз иқтисодий ривожининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки пахта муҳим валюта манбаи ҳисобланади. Пахтачиликни эса илгор техника воситаларисиз ривожлантириб бўлмайди.

«Кейс 2022» пахта териш машиналарининг афзаллиги нимада? Биринчидан, унинг меҳнат унмдорлиги биз ҳозиргача ишлатиб келаётган машиналардан 3-4 баробар ортиқ бўлиб, кунига 25-30 тонна пахта териш мумкин. Бу машиналар пахта тераётганда уни деярли тўкмайди. Транспорт тезлиги соатига 30 километр бўлиб, уни даладан-далага олиб ўтишда вақт тежаллади. Мухими, машинанинг шпинделлари горизонтал ҳолатда жойлашган, уларни тозалаш, ювиш ишлари эса автоматик тарзда бажарилади. Механизатор учун яратилган қўлайликлар айниқса диққатга сазовордир.

Ислоом Каримов мазкур қўшма корхона бош директори Жон Боутон билан суҳбатлашди. Корхона ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурнинг бажарилиши, бу йўлда муаммолар бор-йўқлиги тўғрисида сураб-суриштирди. Мазкур қўшма корхона тўғрисида мақсад бу ерда «Кейс» машиналарини йиғиш эмас, балки уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир, деди Президент. Бунинг учун эса республикадаги заводларда бутловчи қисмлар тайёрлашни улаштириш лозим. Бу қўшма корхона фаолиятининг бош йўналиши бўлмоғи керак.

Биз «Кейс» корпорейшн» компаниясини ишончли ҳамкор, деб биламиз, деди мамлакатимиз раҳбари. У ишлаб чиқарган машиналар эса деҳқонларимизга маъқул тушмоқда. Шундай экан, бу ерда пахта териш машиналари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириш талаб этилади. Келгуси йили 200 га яқин янги пахта териш машинаси ишлаб чиқариш кузда тўтилоқда. Бу биз учун етарли эмас. Чунки фақат республикаимиз эҳтиёжларинингизга эмас, балки Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбойжон, Хитой, Ҳиндистон, Покистон каби давлатларда ҳам пахта етиштирилишини, бинобарин, замонавий пахта териш машиналарига талаб борлигини назарда тутиб даркор. Ўзбекистон далаларида қайси компаниянинг машиналари ишлатилса, шу ҳақиқатни бугун очиб айтишимиз ва тан олишимиз лозим.

Мустақиллик шарофати тўғрисида эндиликда чет элдаги машҳур компаниялар билан ҳамкорлик қилиш имконияти тўғрисида. Шу боис биз Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқилишимиз, бунда келгуси 20-25 йилни назарда тутиб иш кўрмоғимиз даркор. Содда қилиб айтганда, биз учун қандай, неча от кучига эга булган тракторлар керак, ғ улар қайси мамлакат компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилади? Олимларимиз деҳқонлар таърибасини инobatга олган ҳолда ана шу саволларга аниқ жавоб беришлари лозим. Чунки бу ишларни амалга ошириш қўлаб заводларимизни қайта жиҳозлашни, янги цехлар қуришни, қисқача айтганда, халқимиз ишлаб топаган маблағининг маълум қисмини сарфлашни тақозо этади. Мақсад шуки, орадан 4-5 йил ўтиб-ўтмай уларни узгартиришга мажбур бўлмайлик, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шошилинчнома!!!

ЎЗИМИЗНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Чироқчи почта алоқа боғламаси жамоаси 100 кишидан иборат. Бугунга қадар уларнинг 40 нафари «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишди. Чунки, жамоа аъзолари «Ўзбекистон овози»ни ўз газеталари ҳисоблашади. **Кенжа ЖУМАНОВ, Чироқчи почта алоқа боғламаси бошлиғи. САЮБАР ДОЛИЕВА, ЎЗХДП бошланғич ташкилоти котиби.**

нинг юбилейлари дунёнинг бош қароргоҳи — БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти остида ўтказилган экан, шунинг ўзиниқ ўзбек халқи тарихини, маданиятини, миллатимизнинг баъарият тараққиётига қўшган ҳиссасини жаҳон тан олиб турганини кўрсатади. Ахир, Бухоро X-XV асрларда ярим олам маданияти, тафаккури, илм-фониинг маркази бўлганини тан олмамлигининг илоҳи йўқ-ку. Илоҳи йўқ-ку ахир, Хева фарзандлари бугунги кунда жаҳонда энг биринчи ўринда фанга айланган илмининг пойдеворини яратиб берганини тан олмамлигининг! Мен айниқса нақадар маданиятга, илм-фани ривожланган, бу борада дунёни лол қолдирган халқ бўлганимизни олам-жаҳонга кўрсатиб қўйиш учун шу юбилейларни ўтказмоқдамиз, дейишни истаганман. Бу миноралар ажодларимиз тафаккур тарзидати геометрия, архитектура, алгебранинг индикоси эмасми? Фикратдаги уйғулникни кўринг! Мен дизайн деган замонавий тушушча ақин-ақинда фикримизга кириб келди деб ўйлар эдим. Ажаби, 2500 йилни қоралаган Бухоро ва Хева мезморчилигидаги, шаҳар саватидидаги, бориғки, битта минорадаги дизайнни кўринг! Ҳайратланмаслиқнинг илоҳи йўқ-а. Қизик, олис болбао-лимиз илм-фанини қандай истилоҳ билан атади экан-а! Кўнгилсиз тақор бўлса-да, маданият бизга «экспорт» қилинганганини, балки... айтмоқчи эдим мен. Менгина эмас, улкан қўламли юбилей тантаналарининг мазмунинда ҳам шу фикр жо, назаримда.

Биз ишларни китоблар ва мураббийлар тарбиялайди, дея ўйлаймиз. Айни пайтда нураган миноралар, синган кирпичлар, боқинчилар ўқидан тешилган қалъалар, минг йиллар тўғривдан бутун ва ярим бутун ҳолда қолган бинолар ҳам гоҳ хатомиз, гоҳ шуҳрату гуруримиз сифатида фарзандларимизни китоблару мураббийлардан кам тарбиялабди. Икки шахримизни ХХV асрлик юбилей тантаналари жаҳон миқёсидан кенг нишонланиши Ўзбекистоннинг маданият марказини, Мустақиллик нуфузини Марказий Осиё минтақасидаги эмас, балки бутун дунё миқёсида мустаҳкамлайди. Президент Ислоом Каримов «Ўзбекистон ХХI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққий кафолатлари» китобида Ватанимизнинг тараққийёт йўлини шундай белгилаб беради: «... Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданият интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим». Юбилей тантаналари ана шундай интеграциялашува жараёнига куч беради, деб ўйлайман.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Яқка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси												
АБОНЕНТЛИК		Газета										
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ												
Обуна сони												
1998 йил учун (ойлар бўйича)												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Қаерга												
	(почта индекси)						(манзилгоҳ)					
Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)												
ФМТ-1			Нашрға етказиш варақаси									
п.в	Жойи											
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ												
Обунани янги манзилга юбориш			Бахоси			сўм			обуна сони			
1998 йил учун (ойлар бўйича)												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Қаерга												
	(почта индекси)						(манзилгоҳ)					
Кимга												



СОПОЛАР СИНСА ҲАМ КУЛОЛ ОМОНДИР, БУХОРОНИНГ ЎЗИ ЯРИМ ЖАҲОНДИР.

Шариф шаҳар — Бухоронинг қутлуғ туйи тантаналарига дунёнинг юзлаб мамлакатларидан меҳмонлар қатнашиши кутиляпти. Юбилей объектларида эса таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Хусусан, Бухоронинг ҳаво дарвозаси — аэропорт ўз қиёфасини ўзгартиряпти.

— Бунга, албатта ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси Бухоро аэропорти бошлиғи Т. Бахронов. — Йил бошида имзоланган давлатлараро битимга кўра республиканинг уч шахри — Бухоро, Самарқанд, Урганчда замонавий аэропортлар қурилишига киришилганди. Қурилиш ишларига 168 миллион АҚШ доллари ажратилиб, шунинг 68 миллион доллари шаҳар аэропортини таъмирлаш учун ишлатилляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, таъмирлаш ишларини хорижликлар бажаришди. Япония, Туркия, Франция, Германия, Югославиядан келган ишчилар Шарқнинг буюк гавҳари — Бухородек муқаддас юрт дарвозасига чирой берибгина қолмай, балки унинг меҳмондўст аҳолиси маданияти тарихидан, ҳозирги турмуш тарзидан огоҳ бўлишяпти.

Таъмирлаш ишлари икки босқичда бажарилди. Ҳозир учинчи кунги майдончаси, тунги учинчи кунини оғохлантурувчи тармоқлар, соатига 150

михозга хизмат курсатувчи аэровокзал фойдаланишга тахт. Бир соатда 350 кишига хизмат қиладиган аэровокзал, самолётларнинг учиб-қунишини мувофиқлаштирувчи маскан, радио алоқа тармоқлари янгилаш ишлари ҳам тезкорлик билан бажарилди.

Бунда Япониянинг «Мидци», «Шимидзе», «Мицубиси» фирмалари бош пудратчилик қилди. Туркиянинг «Ай-Сель», Германиянинг «Сименс», Франциянинг «Томсон» фирмалари қурилиш, пардозлаш, электр ва ёритиш тармоқларини таъмирлаш ишларини маромига етказиб бажардилар.

Хорижлик бунёдкорлар орасида Югославиянинг «Торсфик» фирмаси ишчилари айниқса тадбиркорлик кўрсатдилар. Улар махсус ваколатлар зали қурилишини қисқа вақт ичида қуриб битказдилар. Хорижликлар билан бирга бухоролик қурувчилар ҳам теппа-тенг ишладди. «Бухоровилоятжамоахўжаликқурилиш»

2-трестининг Жондордаги 124-кўчма механизациялашган жамланмаси жамоаси эса кўкаламзорлаштириш ишларини бажаряпти. Кенг қўламли аэропорт юбилей тантаналарида чет элликларни қабул қилиш ва жўнатиб қўйишда, албатта барча талабларга жавоб бергусидир.


Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Шеър ва шуур

ҚЎШ МАДРАСА

«Қўш» деганда тушунамиз Қўшалоқ, жуфтни, Қўш қаватли эшик булар Қўш қават ойна. Бухорода лекин дўстлар Қадим-қадимдан Урф бўлгандир барпо этмак Қўш-қўш мадраса. «Модарихон» қарнисида Бор «Абдуллаҳон», Она-ўғил юзма-юз бўб Турбиди хушвақт. Модар сўзин тингламоқда Дикқат билан хон. Волидаси қилар экан Унга насиҳат. Қўш мадраса нчи-тоши Ўзи шоҳ асар, Қўзни олар гулганг гирих Куббали айвон. Девордаги феруза ранг, Сирли кошнлар, Кўнгилларга завқ беради Қалбга ҳаяжон. Лекин дилга солган ларза

Фақат бу эмас. Бошқа сирни очмоқчиман У бунда пинҳон. Ўтса ҳамки қанча йиллар, Қанча асрлар, Меҳр тудайли она, ўғил Биргадир ҳамон! Яна бордир «Заргарон»да Шундай мадраса. Қомат чўзиб ўз ҳуснини Кўз-кўз этади. Узоқ боқиб деворларни Ўқсанг ўқиб, Хаёлингни бошқа олам Чулбаг кетади. Бунда энди барқ уради Ўзга бир маъно, Ўзга дунё, ўзгача бир Завқу эҳтирос Гўё турар рўпара бўб, Қўринг, бу ерда Самарқанду Бухоро ва Шогирду устоз. Бир томонда мадрасани Улғубек турар.



Арки олий.

Самарқанднинг санъатини Айлаб тарона. Улуғ олим даъват этар Туриб пештоқдан: — Илм олинг, келдингизми Ушбу жаҳона! — Тўғри, — дейди рўпарадан Абдулазизхон, — Билим олсин ҳар замонда Эрқагу аёл, Илм билан бино бўлди Мазкур иншоот. Илҳом берди усталарга Самовий хаёл! Чиндан буюк намунадир «Абдулазизхон» Илму хаёл оламининг Уйғунлигига. Ганжу мрамор, гиштдан униб Чиққан бу гуллар Сир қўшадир сирли кошн Туйғунлигига! Фулом ШОМУРОД.

МУҲАББАТНИ КАШФ ЭТГАН АЁЛ

Муҳаббатта лимо-лим қалблар, Садоят-ла йўғрилган бўлсин. Оҳ, урсалар Қумушлари гар, Отабеклар жонидан кечсин.

Вафоси йўқ фойи дунё бу, Инглаб келиб кетар дунё бу. Эй ёшларни шашқатор синглим, Ёшларингни садқаси ўзим.

Арзимаган нокаста кўз ёш, Тўқмоқ ўзи гуноҳи азим. Вафоси йўқ фойи дунё бу, Инглаб келиб кетар дунё бу.

Муҳаббатни кашф этган аёл, Ажаб ўзи гадоси унинг. Бахтли бўлса яхши-ю аммо,

Бахтсиз бўлса ёнар ҳар кунинг. Вафоси йўқ фойи дунё бу, Инглаб келиб кетар дунё бу. ***

Чувалашар ўйларим баъзан, Ишончимни аллайди гумон. Боши берк кўчада дайдиман тўзиб, Қўрқаман имондан айрирар гумон,

Яна тинчланади безовта ўйим, Негадир пичирлаб қўяди юрак. Икки қора кўзим — бахтим султони, Барибир бахтлиман, менга не керак.

Ишончсиз гумонлар, йўқол хаёлдан? Покиза эътиқод, эгалла вужудни, Худойим, майлига гўзал яратма. Ва лекин аяма бахтни аёлдан...

КЎЗГИ ЧИЗГИЛАР

Хазон келиб сўлим боғларнинг Барглари юлиб кетади. Ҳар келганда хазон элчиси Менинг бағрим тилиб кетади. Юлди бунда онам бахтини,

Бевақт олди отамни биздан. Шул-чун ҳар вақт қўзларим гирён, Мен чопаман хазон изидан... Муҳаббат ҲАМРОЕВА. Бухоро.

МУНОСИБ ТУҲФА

Шаҳарнинг катта тўйига «Бухороқорақул» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам муносиб туҳфа ҳозирлади. Улар озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти мутахассислари билан ҳамкорликда байрамга атаб 20 моделдаги янги буюмлар тайёрлашди.

Булар — кийим-кечак, ёдгорлик буюмлари, хонатлас, бекасамдан бўлиб, қорақултерига қўшиб тикиляпти. Шу боис харидоргир материалларнинг бозори чаққон.


РАНГ-ТАСВИРДА ШАРИФ ШАҲАР

Музаффар Абдуллаевнинг номини бухороликлар моҳир рассом сифатида ҳурмат билан тилга оладилар. У ўзининг ранг-тасвир асарлари билан нафақат бухороликларнинг, балки хорижликлар — Москва, Санкт-Петербург, Деҳли, Бомбей, Лондон, парижликларнинг назарига тушган.

Бухоро ва бухороликлар М. Абдуллаев асарларида бош мавзу. Шариф шаҳарнинг тўйи муносабати билан Камолитдин Беҳзод номидидаги вилоят санъат музейида рассом асарлари шахсий кўргазмаси очилди. Томошабинлар шу кунларда рассомнинг 50 дан зиёд асарларини завқ билан томоша қиларканлар, мусаввир томонидан яратилган: «Чашма», «Анорзорда», «Оққуш», «Келинчак», «Варахша», «Ҳолат», «Оқсоқол» каби полотноларида шариф шаҳар аҳолиси ҳаёти ёрқин тасвирланганига тасаннолар айтишмоқда.

Юбилей баҳона — АҚШ, Италия, Англия ва бошқа мамлакатлардан келатган сайёҳлар рассом асарларини харид қиляётганлари ҳам Бухоро ижодкорлари маҳоратига берилаётган юксак баҳодир.

Ўз мухбиримиз.



Қадим «Шахристион» бозори ҳамisha гавжум.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ МУЗЕЙИДА

Темурийлар тарихи Давлат музейида музей фаолиятининг бир йиллигига бағишланган «Амир Темура ва Темурийлар даврида Бухоро ва Хева» кўргазма-

сининг очилиш маросими бўлди. Кўргазмани музей директори Нозим Ҳабибуллаев кириш сўзи билан очди. ЎзРФА вице-президен-

ти Абдулаҳад Муҳаммад-жонов ўз сўзида соҳибқирон даврида бу қадимий шаҳарларга бўлган эътибор ҳақида батафсил тўхтади.

Малик МАНСУР.


АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементада касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қондаларга риоя қилиб тўлдиринг.



Минораи Калон.

МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Яна бир неча кундан сўнг боқий шаҳар — Бухоро дунёнинг турли бурчакларидан келадиган меҳмонларга ўзининг иссиқ бағридан жой беради. Уларга буюк фарзандлари тақдирдан, истиқлол шарофатидан жўшиб сўзлаб беради. Асрлар силсиласидан омон қолган ёдгорликларини кўз-кўз қиладди.

«Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти жамоаси шу муносабат билан юбилей қатнашчиларига жаҳон андозаларига мос хизмат кўрсатишга маҳкам бел боғлашган. Энг аввало ҳиссадорлик жамияти меҳмонхоналар хизматини юқори даражага кўтариш тадбирларини кўрди. Ҳиндистондаги «Ларсен Тубролимтед» фирмаси бунёдкорлари томонидан қурилган 430 уринли янги «Бухоро» меҳмонхонаси замонавий ме-беллар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, меҳмонхона ресторанининг 200 ва 170 уринли залларида, 50 ҳамда 32 уринли зиёфатлар залида барча шароит яратилди. Эски «Бухоро» меҳмонхонаси ҳам 300 дан зиёд меҳмоннинг кунглини олади. Ҳамдустлик мамлакатларидан келадиган меҳмонларга эса «Варахша» хизматда бўлади. Бу меҳмонхона ҳам Бухоро зиёратчилари дидига мос қилиб безатилди.


«Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти катта тўйга ташриф буюрадиган меҳмонларга хизмат курсатувчи гид-таржимонлар, меҳмонхона ходимлари малакасини оширишга ҳам эътибор берди. Улар махсус укувларда иштирок этиб, Ҳиндистондаги сайёҳлик ташкилотларида, Тошкентдаги «Меридиан» меҳмонхонасида малака ошириб қайтидилар. Хуллас, жамият жамоаси юбилей иштирокчиларига юксак талаблар даражасида хизмат қилишга қодирлар.

Баҳрон ДАВРОНОВ.



Зардўзлик санъати.

Суратларни Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган.



Ичон Қалъа дарвозаси.

МАҲМУД ПИРҲАВАЛИЙ — ПОЛВОНЛАР ПИРИ

Хоразмнинг буюк фарзанди, жаҳон илм-маърифат хазинасига муносиб ҳисса қўшган таниқли шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуднинг туғилганига 750 йил тулади.

1299-ҳижрий, 1881 йил милодий йилда Бомбейда нашр этилган «Оташкадан Озарий» номли машҳур Шарқ таъриҳида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида қуйидагича ёзилган: «Исми Паҳлавон Маҳмуд, ПурҲавалий лақаби билан шухрат тошган, лекин унинг паҳлавонлик овозаси оламни тутган. Шеъриятда кудратли «Канзул Ҳақойиқ (ҳақиқатлар хазинаси) маснавийси бор».

Машҳур турк олими Шамсутдин Сомибек ўзининг 1996 йилда эълон қилинган «Қомус-ул олам» асарининг V-VI жилдида: «Паҳлавон Маҳмуд машҳур шоирлардан бири бўлиб, Хоразмнинг Урганчидан чиққан, ёшлигидан ўз кучи ва паҳлавонлиги билан фахрланиб юрган, тасаввуф тариқатида кўп риёзат чекиб «Канзул Ҳақойиқ» номли маснавийси бор» деб ёзади.

Шоирнинг отаси кўҳна урганчилик бўлиб, хотини ҳомилалик чоғида Хевага кучиб келади. Бироқ улар ҳали шаҳарга етмай хотини тулғоқ тутиб, шаҳар четдаги бир уйда кузи ёриди. Бу ҳодиса 645 ҳижрий, милодий ҳисоби билан 1247 йилда руй беради. Болага Маҳмуд деб ном қўядилар. Маҳмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлиб етишади. У Хоразмнинг кўп шаҳарларига, ҳатто Ҳиндистонга бориб ҳам курашади, лекин ҳеч қаерда енгилмайди, бутун умри давомиде унинг елкаси ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи паҳлавони бўлиб қолади. Шунга кўра халқ Маҳмудга — Паҳлавон Маҳмуд деб ном беради.


Шоирнинг номи ҳақида ҳам тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳар хил. Масалан, хоразмликлар уни кўпинча «Полвон пир» — Паҳлавон Маҳмуд деб аташади, тарихий манбаларда эса «Ҳазрати Паҳлавон», «Маҳмуд ПирҲавалий» ёки «Маҳмуд ПирҲавалий» деб аталган. «Оташкада», «Қомусул аълам» таъриҳларида Паҳлавон Маҳмудни жанговар, уруша оладиган ҳарбий маъносиде «Китили» лақаби билан аталган.

Кўпчилик тадқиқотчилар Паҳлавон Маҳмуднинг адабий мероси ҳақида гапирганда унинг «Канзул Ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар хазинаси) номли асари борлигини эътироф этадилар. Лекин бу асар ҳозирча бизга номаълум бўлиб қолмоқда.

Биз, шоирнинг бир юксак фазилати — унинг жу-мардлиги ва машҳур полвонлиги ҳақидаги афсонавий ҳақиқатлар билан кифояландик. Зотан, дунё, хусусан Шарқ тарихида ПирҲавалийнинг адабий мероси каби паҳлавонлик шухрати ҳам алоҳида урин тутади. Тилдан-тилга, авлоддан-авлодга кучиб, мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Бу дунёга нафақат алломалар, балки афсонавий паҳлавонлар берган кўҳна Хеванинг мубораклиги ва буюкчилигининг яна бир далилидир.

Й. ЖУМАОБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, фалсафа фанлари доктори,
профессор.



Кулол Раимберди МАТЧОНОВ.

Суратлар муаллифлари: Рустам ШАРИПОВ,
Абдулгани ЖУМА ва Д. МИХАЙЛОВ.

ЧЕҲРАСИ ҚУЁШ

Келармикан-келмасмикан дилором,
Кўзим мани дўстлар Хева йўлида,
Гар келмаса кўнгил топарми ором,
Кўзим мани дўстлар Хева йўлида.


Хўжаминор санчилади юракка,
Етказгай деб Полвон пирим тилакка,
Висол они келса шояд кўмакка,
Кўзим мани дўстлар Хева йўлида.

Кўзим мани дўстлар Хева йўлида.

Кулиб-кулиб боқилларин соғиндим,
Қалбга олов ёкишларин соғиндим,
Кўксима гул тақилларин соғиндим,
Кўзим мани дўстлар Хева йўлида.

Ўзи галиб суҳбат курсин мазали,
Тонг отгунча кўнгилларин ёзали,
Сенга Абдуллонинг шеъри, газали,
Кўзим мани дўстлар Хева йўлида.

Абдулла САҒОБОВ.



Кўҳна тарих шодасида битта маржон...

БОБОЛАР МЕРОСИ

Хеванинг бир номдор дарвозаси бор,
Ҳамиша очқидир ўша дарвоза.
Кўёшга буй чўзиб турар пурвиқор.
Боболар мероси — Кўша дарвоза.

Юксақда гумбазлар оғир уйда жим,
Пастда гала-говур тонган шом қалар.
Биров кириб келар, чиқиб борар ким,
Туташиб кетгандай кутбий нуқталар.

— Не учун ёнма-ён келмоғу-қайтмоғу, —
Сўрайман: — Боболар, этгайсиз оғоҳ?

Ўғлим, сўровинга тўғриси айтмоқ,
Ҳам қарз, ҳам фарз бизга, —
сас келар ногоҳ.

— Тугилдинг, дунёга келдинг-ку, демак,
Шу кундан билиб қўй қайтмоқ борлигин.
Дунёдан яхши ном қолдириб кетмоқ,
Барқарор борлиқда барқарорлигинг!

Хеванинг бир номдор дарвозаси бор,
Ҳамиша очқидир ўша дарвоза.
Кўёшга буй чўзиб турар пурвиқор,
Боболар мероси — Кўша дарвоза.

Жумабой МАТЕҚУБОВ.

ЎН МИНГ КЕНТЛИ ЮРТ

Х асрда Хоразмга ташриф буюрган араб сайёҳи Ёқут гуллаган улкан «Ўн минг шаҳарли юрт» деб таъриф этган. Сайёҳ мамлакатнинг қатор шаҳар-қалъаларида булган, бозорларини айланган. Ана шунда у шаҳарлар сонидан бозорлар сонини бир неча ўн марта кўп эканлигини кайд этади.

Атиги бир аср муқаддам Хева бутун дунёда ўз бозорлари билан машҳур бўлган тарихий факт. Аҳолисининг нуфуси йигирма мингдан ошмайдиган шаҳарда 20та катта-кичик бозор ва турт оздан ошқ савдо растаси булганлиги ҳақиқатан ҳам эътиборга лойик.

Шаҳарда асосан учта катта бозор бўлиб, улар қалъанинг турт тарафидаги дарвозалари яқинларида жойлашган. Бу бир томондан савдогар ва харидорга қулайлик яратган. Чунки, қадим буюк йилу қуналасида жойлашган шаҳарга унлаб давлатлардан муттасил келиб турган савдо карвонлари аҳоли учун зарур маҳсулотлар келтириш билан бирга, бу ерда етиштирилган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилишган.

Шаҳарнинг энг катта бозори Хазорасп дарвозаси яқинидаги ялангликда бўлиб, тахминан ўн беш гектарча майдонни эгаллаган. Иккинчи бозор Ичон қалъанинг Полвон дарвозаси ёнида бўлиб, турт гектарча майдонни эгаллаган. Учинчи бозор, XVI асрда ташкил тошган бўлиб, утган асрнинг йигирманчи йилларида фаълият курсатган. Бу бозор ҳақда рус элчилари хотираларида кўплаб ёзилган.

Оллоқулибойнинг тими — Карвонсаройда 105 та савдо растаси мунтазам фаълият курсатган. Карвонсарой ўзига хос мажмуа бўлиб, бу ерда чет элдан келган савдо карвонлари тухтаган, пул алмаштириш шаҳобчалари ишлаб турган. Ҳам ётоқ, ҳам бозор вазифасини ўтаган тимда ҳатто карвонларнинг юзлаган туялари учун ҳам махсус хоналар булган.

Шаҳар бозорлари савдо соҳаси бўйича асосий учта туркумга булинган. Хазорасп дарвозаси яқинидаги бозорда маҳсулотлар кўлда сотилиб, сумларда баҳоланган. Иккинчи турдаги бозорларда эса четдан келтирилган турли газ-моллар бир неча ўн сумларда баҳоланган. Ниҳоят, учинчи турдаги бозор, яъни Карвонсаройда савдогарлар хоридан келтирган турли молларни чакана-кўтара савдо қилиш орқали амалга оширганлар.

Икки ярим асрлик туйини нишонлаш арафасида турган қадим шаҳар бугун асл кўрғасига қайтмоқда. Истиклол боис шаҳарда бозорлар кенгайди, янги-дан-янги савдо расталари қад ростлади. Шаҳарнома услубда қурилан дуконлар, хунармақдлар устаноналари сони ҳам утган асрдаги миқдорга яқинлаб қолди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛАМНИ ДОЛ ЭТГАН ҚАДИМ ХЕВА БУ, ВАТАН ШУҲРАТИНИ ЁЙГАЙДИР МАНГУ.



Шеър ва шуур

Рухсори покиза, чеҳраси
кўёш,
Кўзимдан оқмасин дарё
бўлиб ёш,
Юраклар юракка
бўлсинлар туташ,

Берунийнинг хабар беришича «Хоразм маданияти—қадимги маданиятлардан бўлиб, унинг илдиэлари эра-миздан аввалги XII аср, яъни милоддан бурунги 1292 йилдан бошланади». Аллома улқа тарихини баён этар экан «Унинг тақдири Жайхун феъл-атвориға боғлиқ эди», деб курсатган.

Дарҳақиқат воҳа археологиясини қарийб ярим аср давомиде текширган С. П. Толстов бошлик экспедиция аъзолари буни етарли далиллар билан исботлаб бердилар. Ҳозирги кунда Бустон, Эл-ликқалъа, Туртуқул ва Беруний туманлари атрофидаги антик

Урганч, Янги тупроқ қалъа (Шовот), Курулан (Гурлан) каби шаҳар ва қалъалар ривожланган ёки қайта тикланган. Утган йил сентябрь ойида Хазорасп яқинидаги Хумбуз тепа ёдгорлиги очилганидан кейин унинг ёши Хивадан бир-икки аср олдин пайдо булганлиги тасдиқланди.

Хазорасп — жаҳон халқлари цивилизацияси тарихида муайян урин тутган қадимий улқа — Хоразм воҳасининг қўҳна қалъаларидан биридир. Унинг тарихи Шарқнинг мумотоз шаҳарлари Истамбул, Қуддус, Макка, Марв, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари каби қадимий ва ранг-баранг-дир.

Утмишда муаррихлар уни «Қалъаи Сулаймон», (Атуропаднд муқаддас олов шаҳри ёки минг отлар қалъаси) деб атаганлар. Хазорасп қалъаси ҳақидаги машҳур афсоналарнинг бири Сулаймон пайгамбар номи билан боғлиқ. Ривоят қилишларича Сулаймон пайгамбар ўзининг «шамол устига қурилган тахтида» Хоразмга учиб келибди ва базму жамшид уюштирибди.

Зиёфат узоқ давом этибди. Натижада отларнинг қорни очиб исирик, гиёҳларни еб маст бўлишибди ва қанот қўқиб кишнашибди. Буни кўрган Сулаймон пайгамбар дарҳол отларни яширишга, пари қизларни эса шу маконда қолдириб эрга беришга ҳамда қалъа қуришга амр этибди. Шу тариқа қалъанинг номи Сулаймон қурган ёхуд Хазорасп (мингот) бўлиб қолган дейишади.

Эътироф этиш жоизки, Сулаймон пайгамбар тарихий шахсдир. У Довуд пайгамбарнинг иккинчи ўғли, эрадан аввалги 965 йилдан 928 йилгача Паластин давлатига подшоҳлик қилган. Ўз даврида Эрон мамлақати ҳукумдорлари билан савдо-сотик ва дипломатик муносабатлар урнатган, лекин Хоразмга келганлиги ҳақида фанда ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин масаланинг сеҳрли гиёҳ — исирик (атурспенд) масаласига келсак тарихий ҳақиқатга бироз ёндошиб утган ҳисобланади.

Қуринадикки ота-боболаримиз қарийб 12 минг йил ертўла, чайла, тоғларнинг горларида, утлоқларда кучманчилик қилиб яшаганлар. Аждодларимиз утган 100 асрлик давр жараёнида қандай ҳаёт билан машғул булганлар? Бу саволга муқаддас «Авесто» ва «Инжил» китоблари жавоб бера олади. «Инжил» ва «Авесто» китобларида инсониятнинг 9—10 минг йиллик тарихдан дарак берувчи афсона ва ривоятлар келтирилади. Ушбу китоблардаги ривоятларнинг айримлари дарё оралиги (Месопотамия) даги Бобил (Вавилон) шаҳри (Шумер мамлақати) харобаларини қазиш чоғида топилгани ҳақ.

Қадимги хоразмликлар бизнинг эрадан аввалги 9—10 минг йилларда кучманчилик (асосан чорвачилик) билан ҳаёт кечирганлар ва жанубий-ғарбий улқаларга бориб Бобил (Вавилон), Суза Шероз (Перопол), Қуддус (Иерусалим) каби буюк шаҳарлар қурилишларида

бевосита қатнашганлар. Тарих фанида бу фикр аллақачон исботланган. Хива, Хазорасп, Тупроқ-қалъа тағ заминининг урни айни Шумер қалъалари сатҳига тенг. Қолаверса «Осмон устуни» Бобил шаҳрини қуришда иштирок этган шарқлик кучманчилар қўзғолони бунга мисол була олади. Яна бир далил шуки, қарийб 6-7 минг йил аввал утган шумерликлар лексикониде от деган тушунча умуман булмаган. Улар отни «Шарқ эшаги» деб атаганлар.

Шумерликлар тилида мавжуд булган 500 дан зиёд туркий ва қадимий хоразмча сўзлар ҳам юқоридаги фикрларимизни яна бир қарра исботлайди. «Авесто» китобида «Дахью» — вилоят. «Ардва» — Орол қули, «Азата» — овоз киши, «Хамона» — шароб, «Даития» — Амударё,

МИНГ ОТЛИ ШАҲАР


«Маздубаст» — Туя-муйин дарёси тилга олинади ва «Эронвеж» — (Хоразм) мамлакатларнинг аълоси деб талкин этилади. «Авесто» да тилга олинган Мазда-биринчи олов ёқилган макон Хоразмдир.

С. П. Толстов, Я. Гуломов А. Асқоров каби олимлар биринчи муқаддас олов Жамшид томонидан Хоразмда ёқилганиги ҳақидаги афсона ҳақиқатга яқин келади деб ҳисоблайдилар.

Берунийнинг гувоҳлик беришича Жайхун Маздубастдан Қорақум саҳроси орқали Хазор денгизига қараб оққан. Демак, Хазорасп худудларидан кесиб утган Полвон канали (Хей-Каник) анҳорнинг аввалги номи) Жайхуннинг бир тармоғи булган ва унинг бўйларида даставвал Адраст, Хазорасп, қалъаи Рам Хева... Қалажиқ (кичик қалъа) Гаур Қалъа, Шохсанам, Урга-Гаурканд (Кўҳна Урганч) каби антик қалъалар бунёд этилган. Аксарий олимлар ушбу қалъа-қўрғонлар — қўрғонларнинг энг ёши улуги Туркманистон Республикасидаги Гоур қалъа, ундан кейин эса Хева шаҳри қурилган деб ҳисоблар эдилар.

Хоразм археологлари ушбу фикрга тузатиш киритишди. Шу йил ёз ойларида Хазорасп ва Хумбузтепа ёдгорликлари остида олиб борилган археологик қазишмаларда қалъа Хевадан 100 йил олдин бунёд этилганини тасдиқловчи мис ва тумшук тангалар, эраимиздан VI аср олдин зарб этилган муҳр, сопол идишлар, хумлар топилди.

Комил НУРЖОНОВ,
Ўзбекистон «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси.



Баланд Минор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎМИР САНОАТИ

Ўзбекистон Республикаси 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир захираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва уни етказиб бериш ишлари билан "Кўмир" акционерлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилади: очиқ усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усулида (Ной Хау.) Кўмир энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Конлардан чиққан кўмирлар — сифатли ёқилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материалларнинг турли хилини олиш учун хом ашёдир. Масалан, кокс брикети, мотор ёнилғиси, кальций карбиди, сорбент, қора ва рангли металлургиядаги углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц кумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдаланиш қазилмалари олинади.

Яхши хом ашё, кўпдан синалган эркин майдонларнинг бисёрлиги, сув ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, темир йўлларнинг мавжудлиги станцияларнинг яқинлиги ва халқаро аэропортларнинг борлиги ишлаб чиқариш саноат комплексини

ҚАЗИБ ОЛИНАЁТГАН КЎМИРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Савдо маркази

	Б-2 Ангрен	1СССШ Шарғун	ТР Бойсун	1СС-брикет Шарғун
Кул қолиши (фоиз)	16-25	13-20	7-17	14-21
Намлиги (фоиз)	30 -38	4-7	3-6	2-5
Олтингургурт (фоиз)	7-1,0	0,3-0,7	0,2-0,6	0,3-0,7
Ёниш иссиқлиги (ккал/кг)	6700	8100	8200	8300

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ СОТИШ БЎЙИЧА "КЎМИР" АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ.

700011, Тошкент-11, Марказ-14 мавзеси, 27-уй.

Телефонлар: (3712) 41-85-55, 44-55-79,
44-57-05, 32-99-19.

Факслар: (3712) 44-20-80, 41-85-56.

Телекс: 116163, Лава, телетайп 116376 шахта.

Хисоб рақами 20210000900126956001.

Саноат-қурилиш банкининг

Тошкент шаҳар бўлими МФО 00424.

бунёд этишда қўл келади. Шунингдек, қазиб олинган ва бойитилган каолин, чинни фаянс ва сопол буюмлар, ўтга чидамли ва қурилиш гиштлари, том ёпқичлар, дренаж ва канализация қувурлари, хўжалик ва манзарали чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлари, электр изоляторлари ҳам бу ишда ёрдам беради. Бундан ташқари каолин қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ва бошқа мақсадларда ишлатиш учун хизмат қилади. Айни пайтда кўмирни қазиб олиш, навларга ажратиш ва бойитиш фабрикаси қурилиши давом эттирилмоқда.

Худудимизнинг геологик хусусиятлари кўшимча фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Айниқса, ёнғич сланец, оҳак, гипс, безакли тош конларини ўзлаштириш кўпчиликни қизиқтирса керак. Керамзит, адсорбент, ўғит ва гишт ишлаб чиқариш учун юқори сифатли лойлар тайёрланиши мумкин.

Уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда оддий ҳисоб-китобларга кўра, энергетика, кимё, қурилиш, металлургия саноати ва қишлоқ хўжалиги учун йилига 1 миллиард 400 миллион АҚШ доллари миқдорига тайёр маҳсулот олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари Ангрен каолинидан, Бойсун кўмири ва оҳагидан фойдаланиб туриб, лойтупроқ ишлаб чиқариш заводини бунёд этиш мумкин.

Ана шундай қўлай омиллар ва барқарор вазият хорижий шериклар билан ишончли ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради.

Бош муҳаррир
Азим СУЙОН

Гаҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз
ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон
ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир
ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир
ўринбосари —
«Голос Узбекистана»)
Алмикул СУЛТОНОВ
(масъул котиб —
«Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ

БУЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия
ҳаёти —
133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва
хукук —
133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт —
133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият —
133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар —
133-76-04.
Ахборот ва спорт —
133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт —
133-20-36.
Саноат, қурилиш ва
транспорт бўлими —
133-07-20.
Реклама ва эълонлар —
133-38-55, 133-47-80.
Факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЯТ

МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Кумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000,
ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Навбатчи
муҳаррир
Қ. ЭШМАТОВ,
навбатчи
М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўттиш
тартиби №00120

Газета офсет
усулида, А-2
форматда, 21 619
нускада босилди

Ҳажми 2 ёсма табоқ

«Ўзбекистон овози»
материалларини
кўчириб босиш
фақат таҳририят
руҳсати билан
амалга оширилади.

Г — 0654

Босишга
топириш вақти — 21.00.
Топириш вақти — 22.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

АНГРЕН КАОЛИН КОНЛАРИ

Заҳира —
миллион
тонна

Иккиламчи — 1038
Дастлабки — 79

Маълумотнома
(фоиз)

Дастлабки	Иккиламчи
Al ₂ O ₃	22 31
SiO ₂	63 54
Fe ₂ O ₃	3,25 1,49
TiO ₂	0,46 0,63
CaO	0,38 0,25
MgO	0,18 0,78
K ₂ O	0,56 2,17
Na ₂ O	0,56 0,12
H ₂ O	0,28 2,34

Бойитилган
каолин оқланмаси
82-85 фоиз

КАОЛИН
СИФАТИ БАҲОСИ

Ўзбекистон ва Россия
ихтисослаштирилган
ташкилотлари, шунингдек:

MAVETEX (Швейцария)
PAV BAUTZEN (Германия)
TEBOIN SCHMIOLT (Германия)
MIISUIS CoLTD (Япония)
INTERTASH
(Ўзбекистон-Америка)
фирмалари томонидан баҳоланган.

ИШЛАТИШ
СОҲАЛАРИ

- гишт
- сопол плиткалари
- санитария фаянси
- ўтга чидамли гиштлар
- олтингургурт алюминийси
- лойтупроқ
- электр чинни
- қоғоз
- чинни
- шиша
- косметика.

ЙИЛЛИК ҚАЗИБ
ОЛИШ МИҚДОРИ

5-7 миллион
тонна иккиламчи
каолин

ТАЛАБ
ЭТИЛИШИ

Чинни ишлаб
чиқаришда ва гишт
саноатида 500 минг
тонна талаб этилади.

СОТИШ
БОЗОРИ

— Ўзбекистон
— Туркменистон
— Қирғизистон
— Қозғистон
— Россия
— Эрон
— Туркия
— Покистон
— Ҳиндистон
СОТИШ ҲАЖМИ
1,5-2 миллион тонна.

ҚУРИЛИШ

Бойитилган каолин ишлаб
чиқариш заводи.
Ишлаб чиқариш қуввати
йилига 200-400 минг
тонна.

Лойтупроқ ишлаб чиқар-
иш заводи.
Ишлаб чиқариш қуввати
йилига 100 минг тонна.

ИНФРАСТРУКТУРА

Тошкент шаҳридан
100 километр масо-
фадаги аэропорт.
Эркин ерларнинг
мавжудлиги, ишлаб
чиқариш ва техника
ресурсларининг
миқдори. Автомо-
биль йўллари,
электр таъминоти,
сув таъминоти, те-
мир йўллар қури-
лиш майдонига
яқинлаштирилган.

ТАЛАБ
КИЛИНАДИГАН
САРМОЯЛАР

50 миллион АҚШ
доллари, қопла-
ниш муддати - 4
йил

150 миллион
АҚШ доллари,
қопланиш мудда-
ти - 7 йил.

Ангрендаги иккиламчи
каолинлар кўмир конла-
ридан юқорида жойлаш-
ган бўлиб, улар кўмир
қазиб олиш пайтида оли-
нади. Ангрен каолинла-
ридан комплекс фойда-
ланиш дастури хорижий
сармояларни жалб этиш
билан бирга кўшма кор-
хоналар ташкил этишни
кўзда тутлади. Бу дастур
бойитилган каолин фаб-
рикаси, лойтупроқ заво-
ди, ўтга чидамли гишт
ишлаб чиқариш, сопол
плиткалар ва санитария
фаянс буюмлари ишлаб
чиқариш заводларини ўз
ичига олади.